O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 30-may • № 22 (3954)

1 июн — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни

## УМРИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

***Ҳар йили, ёзнинг биринчи кунида бутун дунёда болаларни ҳимоя қилиш куни нишонланади. Ва, албатта, бу санага бағишланган турфа хил тадбиру маросимлар бўлиб ўтади. Уларда фаол иштирок этамиз, севимли болажонларимизга совға-саломлар улашамиз, қувноқ, беғубор чеҳраларини кўриб, дилимиз яйрайди.***

Болаларни ҳимоя қилиш... Бу куннинг номи шундай белгиланган. Аслида ҳаётни, унинг давомийлигини, инсонийликни, меҳр-оқибатни ҳимоя қилиш, асраш-авайлаш дейилса, тўғрироқ бўлади. Негаки, болаларини асраб-авайлаган, уларнинг бахтли болалигини таъминлаган, бу йўлда ҳеч нарсани аямаган халқнинг келажаги, шубҳасиз, буюк бўлади. Демак, бола тўғрисидаги ҳар қандай ғамхўрлик, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, миллатнинг тақдири, келажаги билан бевосита боғлиқ. Бола қалбини тушуниш инсонни тушуниш демакдир.

Мамлакатимизда болалар тарбиясига нечоғли катта эътибор берилаётганидан ҳаммамиз яхши хабардормиз. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида туғилган фарзандлар бугун айни навқирон ёшда. Улар энди янги баркамол авлод бўлиб, илм-фанда, ижодда, спортда, яратувчанлик борасида миллат шаън-шавкатини улуғлашмоқда. Яқинда Нукусда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари, Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Талаба баҳори" фестивали, "Келажак овози" танловлари бугун бизнинг ортимиздан ҳар жиҳатдан етук, изланувчан, соғлом авлод келаётганини яна бир бор намойиш этди.

Донишмандлардан бири "Миллатнинг келажагини болаларига қараб аниқлаш мумкин", деган экан. Бугун биз бағримизда яйраб-яшнаб ўсаётган, янада баланд чўққиларга интилаётган, дунё кенгликларида Ўзбекистон байроғини дадил ҳилпиратаётган фарзандларимиз чеҳрасида биздан қоладиган Озод ва Обод Ватан қиёфасини аниқ тасаввур этамиз. Умримиз, орзу-умидларимиз улар умрида, орзу-умидларида давом этади.

Келажагинг янада порлоқ бўлсин, болажон халқим!







## ТОШКЕНТДА ОПЕРА ФЕСТИВАЛИ

***Май ойи спорт ва санъат соҳасида воқеаларга бой бўлди. Улар орасида машҳур италян композитори Жакомо Пуччини таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро фестивал алоҳида ажралиб турди. Фестивалда Ўзбекистон, Россия ва Италия санъат усталари қатнашдилар.***

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — дейди Италия театрларида ва жаҳоннинг турли шаҳарларидаги симфоник оркестрларда пианиночи-концертмейстер ва дирижёр сифатида фаолият кўрсатган Эдди де Надаи. — Биз ўзбек дирижёрлик ва вокал мактаби ишини кўришга, истеъдодли ёшларингиз ижодидан ҳайратланишга муваффақ бўлдик. Бу ёшларнинг ниҳоятда иқтидорли, изланувчан ва меҳнатсеварликларидан кўриниб турибдики, ўзбек мусиқий санъатининг келажаги ишончли қўлларда.

Фестивал давомида санъат ихлосмандлари Алишер Навоий номидаги театр саҳнасида "Флория Тоска", "Богема", "Мадам Баттерфляй" операларини ва якунловчи гала-концертни томоша қилдилар. Россия Катта театри солисти Анатолий Зайченко, Воронеж опера ва балет театри бош дирижёри Юрий Анисичкин, Россия ва Абхазияда хизмат кўрсатган артист Хибла Герзмава, Москва академик мусиқий театри солистлари — Ирина Аркадьева, Михаил Векуа каби санъаткорлар ижодидан баҳраманд бўлдилар.

Италиялик ёш солистлар Омбретта Макки ва Доменико Менини (сопрано ва тенор овози соҳиблари) ижролари барчани бирдек ром этди. Улар ўз таассуротларини ҳаяжон билан сўзладилар: "Биз ўзбек театри солистларининг вокал имкониятларидан ҳайратландик. Театрингиз Сайёра Хайритдинова, Яника Багрянская, Анжелика Мухамедзянова, Кирилл Борчанинов, Руслан Гафаров, Нормўмин Султонов, Ниғмат Синхабиби, Маҳмуд Рўзиев, Абдумалик Абдуқаюмов ва Ренат Титеев каби хонандалари билан фахрланса арзийди. Италян тилини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлардан хурсанд бўлдик, артистларингизнинг талаффузи жуда зўр. Италиядан қанча узоқда, шу тилда сўзлашадиганлар билан мулоқотда бўлмай туриб италянчани бу қадар тоза талаффуз қилиш — фантастика!"

Меҳмонлар ўзбек дирижёрлик мактаби ҳақида ҳам илиқ фикрларни билдирдилар.

Мазкур фестивал Жакомо Пуччини мусиқалари ҳиссиётларга бойлиги, юксак инсонпарвар руҳияти билан ҳали жаҳоннинг яна кўплаб саҳналарини забт этиб, миллионларга завқ-шавқ улашиб янграшини намойиш этди.

**Флора ФАХРУТДИНОВА**



СУРАТДА: «Богема» операсидан лавҳа.

*Э.МУЗАФФАРОВА олган сурат.*

*Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига*

## ОНАЖОН ШАҲРИМ

**Бу эл дуо қилиб фарзандларини,**
**Чақмоқдай чақнасин ҳар сўзинг дейди.**
**Инсонга ҳамиша нонмас насиба,**
**Ғуруринг, оринг ҳам ризқ-рўзинг дейди.**
**Азал кўнгилларга шараф-шон шаҳрим,**
**Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.**

**Мозий садо берар турли номлардан,**
**Бинкатми, Чочми ё Мадинат-уш Шош.**
**Йўлин йўқотганга йўл бердинг доим,**
**Қалбларни ёритдинг бамисли қуёш.**
**Айланай, ўргилай, нурмакон шаҳрим,**
**Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.**

**Хожа Аҳрор, Қаффол-Шоший, Кўҳакий,**
**Англасанг, пок руҳлар дилларга эшдир.**
**Сўзлама, дунёнинг гўзал жойларин,**
**Тошкентим — бошкентим баридан пешдир.**
**Бугун ичим тўла шеър-достон шаҳрим,**
**Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.**

**Эй одам, кўнглингдан ғаразларни қув,**
**Бизни асраш учун неъматдир ислом.**
**Бугун кўриб туриб кўзинг қувнайдир,**
**Тоатга чорлайди Ҳазрати Имом.**
**Билдим, юракларга зўр иймон шаҳрим,**
**Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.**

**Масжид-мадрасалар қутлуғ меросдир,**
**Дилларга қувватдир мусҳафи Усмон.**
**Ҳикмат бор: нонидан еган бир чумчуқ,**
**Маккадан ҳам қайтиб келгай бегумон.**
**Тинчлигу дўстлигу буғдой-нон шаҳрим,**
**Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.**

**Истиқлол зиёси қалбларга шифо,**
**Фарзандлар юртини кўтармоқда шаън.**
**Кўприклар, кўчалар, кўркам бинолар,**
**Таъриф-тавсифлардан юксакроқ маскан.**
**Дилларда орзулар осмон шаҳрим,**
**Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.**

**Темур ҳайкалига боқиб бир сайёҳ**
**Деди ҳайратини яширмай бир дам:**
**"Аждодларин севган юртнинг соҳиби**
**Буюк келажакка бошлар элни ҳам..."**
**Жонажон Тошкентим, жонажон шаҳрим.**
**Онажон Тошкентим, онажон шаҳрим.**

**Ғайрат МАЖИД**

## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

**Мактаб ҳовлисида нурдай балқиган,**
**Қўлимда титраган, эй олтин чироқ.**
**Йўлинг ёруғ бўлсин, дея алқаган**
**Устоздек азизсан, сўнгги қўнғироқ!**



СУРАТДА: Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабнинг битирувчилари устозлари Маҳфурат Асомова билан.

*Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.*

*Қувноқ мактуб*

## МУШУК ЭТИКНИ НЕЧА МАРТА КИЯДИ?

Ҳозирги куннинг энг ашаддий томошабини ҳам театрда қўйилаётган барча спектаклларни кўролмаслиги, ё бўлмаса, театрга мунтазам тушолмаслиги мумкин. Буни табиий қабул қилиш керак. Вақт топиб театрга борган томошабин, албатта, ўз руҳияти ва дунёқарашига мос спектакллар кўришни истайди. Бунда унга театрлар репертуари ёрдамга келади.

Маълумки, репертуар театрнинг иш режаси ҳисобланади. Улар мана шу режа орқали томошабинга қандай спектакллар намойиш этишни ҳар ой бошида белгилаб оладилар. Бинобарин, репертуарлар театрнинг томошабинга берган ваъдасидек гап. Аммо шундай ҳоллар бўладики, бу ваъда бажарилмайди ёки уни бажаришга имкон бўлмайди. Бундай ҳолатлар ҳар замон-ҳар замонда юз бериб қолса эди, тушуниш мумкин, бироқ "ваъда" мунтазам равишда бузилаверса-чи?

Пойтахтимиздаги Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри шахсан мен учун жуда қадрли. Унда намойиш этилган "Чеча", "Қаллоблар", "Искандар" каби спектаклларни севиб кўрганман.

Мазкур жамоанинг "97-хона" спектаклини кўришга қизиқиб қолдим. Театр репертуарида белгиланган куни "97-хона" спектаклини кўргани театрга йўл олдим. Келиб билсамки, бу ерда мен қизиқиб келган спектакл ўрнига "Этик кийган мушук" спектакли намойиш этилаётган экан.Ноилож, шу спектаклни томоша қилдим.

Кейинги ой яна ўша "97-хона"ни кўргани бордим... ва ҳайратдан ёқа ушладим. Не кўз билан кўрайки, театрда яна "Этик кийган мушук" спектакли бўлаётганди. Сабабини суриштирсам, томошабин шу спектаклни талаб қилибди. Бекор кетмай, деб яна шу спектаклни томоша қилдим ва залга эътибор бордим. Бу спектаклни талаб қилган томошабинлар мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари эди...

Эринмай "97-хона"ни яна бир ой кутдим. Учинчи марта ҳам "Этик кийган мушук". Жаҳлим чиқди ва спектаклни кўрмай уйга жўнавордим. Эртасига ҳам "Этик кийган мушук" бўлди. Бу спектакл яна икки-уч кун давом этди. Залда қий-чув, актёрларнинг овози эшитилмайди...

Бу гаплар кимгадир эртакдек туюлиши мумкин. Балки "Этик кийган мушук" спектакли уч ой давомида сурункасига бўлмагандир. Бироқ, ҳар гал репертуар бўйича спектакл кўрмоқчи бўлиб борганимда, шу спектаклни кўришга мажбур бўлдим.

Юқорида айтиб ўтганимдек, бу театр мен учун жуда қадрли. Аммо... Наҳот, шундай ажойиб драма театри фақат болаларга томоша кўрсатадиган томошагоҳга айланиб қолган бўлса?! Унақада биз юқорида таъкидлаб ўтган театрнинг ваъдаси — репертуар қаерда қолди? Репертуар тузилгач, унга амал қилиниши керак эмасми?!

**Бахтиёр ЁҚУБОВ,**
**Санъат институти талабаси**

*Ёзувчилар уюшмасида*

***Ҳар ойнинг сўнгги ўн кунлигида Ёзувчилар уюшмасининг Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгашида ёш таржимонлар клуби машғулотини ўтказиш анъана тусини олди. Куни кеча ана шу клубнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда ёшлар таржимачилик маҳорати, матн устида ишлаш сирлари бўйича устоз таржимонлардан сабоқ олмоқдалар.***

Бу галги машғулот ҳам савол-жавоблар, қизғин баҳс-мунозараларга бой ўтди. Машғулотни олиб борган таниқли

## ДУНЁ ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМА

адиб ва таржимон Омон Мухтор бошловчи таржимонларга таржима санъатига оид ютуқ ва камчиликлар, келгусида ёшлар томонидан қилиниши керак бўлган вазифалар ҳақида сўзлаб, жумладан шундай деди:

— Мен ўзбек китобхонлари дунёнинг турли бурчакларида чоп этилаётган энг сара адабиётлардан хабардор бўлиб бораётганидан жуда хурсанд бўламан. Баъзи халқларнинг китоб жавонида ўзга тиллардан қилинган таржима асарлар камлигини ҳисобга олсак, бизнинг устоз таржимонлар кўп ишларни амалга оширганларига гувоҳ бўламиз. Аммо мени ўзбек адабиётидан хорижий тилларга қилинадиган таржималар кўпроқ қизиқтиради. Ўзбек адабиёти — улкан адабиёт, аммо ҳануз ўз қамровини дунё миқёсида кўрсата олмаяпти. Тўғри, мумтоз адабиётимиз намуналаридан бир қанча дурдона асарларимиз турли мамлакатларда чоп этилган. Лекин бу ўзбек адабиётини дунёга танитишга камлик қилади. Шу маънода ўзбек адабиёти учун ўзбек тилидан ўзга тилларга таржима қила оладиган ёшлар керак. Бу адабий жараён узоқ ва яқин мамлакатларда аллақачон бошланган.

Ўзбек таржимачилик мактабида ёзувчи-таржимонлар, мутахассис-таржимонлар ва кейинги йилларда анча кўзга кўриниб қолган аслиятдан таржима қилувчи таржимонлар бор. Шулар қаторига миллий адабиётимизни дунёнинг бошқа тилларига таржима қила олувчи таржимонлар ҳам қўшилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Клубнинг асосий вазифаси ҳам шу.

Машғулотда иштирок этган Олий адабиёт курси тингловчилари Ҳаёт Шодмон, Дилноза Муродова, Жаҳон тиллари университети талабалари Индира Сайфиева, Васила Ғофурова, Одилжон Сафаров каби ёш таржимонлар юқоридаги мулоҳазалар атрофида фикр алмашдилар.

**Ўз ахборотимиз**

## ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари ва профессор ўқитувчилари ҳар ойнинг сўнгги чоршанбасини "Маънавият куни" деб аташга одатланганлар. Бу кунда ёшларнинг маънавий оламини бойитиш мақсадида турли тадбирлар, музей ва маънавият масканларига саёҳатлар уюштирилади, адабий кечалар, учрашувлар ўтказилади. Яқинда шундай тадбирлардан бири "Жаҳон адабиёти" журнали таҳририяти ходимлари билан учрашувга бағишланди. Тадбирни проректор Фазлиддин Ҳайдаров очиб, талабаларни журнал ижодий жамоаси билан таништирди. Журнал бош муҳаррири ўринбосари Мирпўлат Мирзо, таржимон ва муҳаррирлар Амир Файзулла, Гулчеҳра Муҳаммаджон, Гулнора Муҳаммадёрова журналнинг тайёрланиш жараёни, муштарийлар маънавиятини бойитадиган асарларни танлаш мезонлари тўғрисида сўзлаб беришди.

**Ш.АКБАРОВА,**
**Жаҳон тиллари университети магистранти**

"АСАКАБАНК":
ишонч,
унум,
даромад!

"ҒАЛЛАБАНК":
сиздан ҳаракат,
биздан
баракат!

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Миллий банкининг тасвирий санъат галереясида рассом Александр Тюриннинг "Тараққиёт: Давр. Макон. Муҳит" деб номланган ижодий кўргазмаси очилди.

Рассом асарларида бугунги ҳаёт ва табиий муҳитнинг такрорланмас гўзаллиги ёрқин рангларда акс этган. Турли кўринишдаги манзаралар бизга таниш ва қадрдон. Александр Тюриннинг "Завқланиш", "Монолог", "Кечки коктейл", "Осойишталик ранги", "Тинчлик қўриқловчиси", "Янги Вавилон" каби асарлари томошабинни мушоҳадага чорлайди.

**У.ДЎСТҚОБИЛОВ**

УШБУ СОНДА:
ҲАЁТИНИНГ ЎЗИ ОДАМИЙЛИК ҚИССАСИ
*Бу дунёда дийдор қолади*
БЎЗА ИЧДИМ, БОЛ ЕДИМ...
ЭКРАН ШОИРАСИ

